

Қорақалпоғистон тиббиёт институти  
Кузатув кенгашининг  
2023 йил “19” январдаги  
6-сон мажлис баённомасига  
2-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон тиббиёт институти талабалари учун академик  
Ч.А.Абдиров номидоги стипендия бериш түғрисидаги  
НИЗОМ**

**1. Умумий қоидалар**

- 1.1. Мазкур Низом Қорақалпоғистон тиббиёт институтининг (кейинги жойларда ҚТИ, Институт) барча бакалавриат таълим йўналишлари талабалари учун Ч.Абдиров номидаги стипендияни (кейинги жойларда номли стипендия) тайинлаш тартибини белгилайди.
- 1.2. Номли стипендия институт талабаларини рағбатлантириш учун қўшимча чора ҳисобланади.
- 1.3. Номли стипендия ўқув ва илмий ишларда энг юқори натижаларни кўрсатган талабаларга, бошқа стипендияларни олиш хуқуқига эга ёки йўқлигидан қатъи назар, берилиши мумкин.
- 1.4. Институт бакалавриат босқичи талабалари учун номли стипендия бутун ўқиши давомида яхши ва аъло баҳоларга ўқиётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган охирги курс талабаларига тайинланади ва тўланади.
- 1.5. Номли стипендия институтининг бакалавриат босқичидаги ҳар бир йўналиш бўйича голиб бўлган бир нафар битирувчи курс талабасига тайинланади ва тўланади. Номли стипендия миқдори институт ректорининг буйруги билан белгиланади.
- 1.6. Номли стипендияни молиялаштириш манбалари, агар мавжуд бўлса, институтининг даромад келтирувчи фаолиятдан олинган бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобланади.
- 1.7. Номли стипендиялар миқдори ҳар йили ҚТИ Кузатув кенгаш қарори билан белгиланади. Стипендия миқдори ўқув йили давомида ўзгартирилиши мумкин.
- 1.8. Номли стипендия олиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ва Институтининг маҳаллий норматив ҳужжатлари билан белгиланган бошқа стипендияларни олиш учун тўскинлик қилмайди.

**2. Номли стипендия тайинлаш тартиби**

- 2.1. Номли стипендия олий таълим дастури бўйича Институтда барча таълим йўналишларнинг битирувчи курсларида таълим олаётган таълимнинг бюджет ва контракт шакллари талабаларига жорий йилнинг 1 сентябридан 30 июнига қадар семестрлар бўйича ҚТИ Кузатув кенгashi қарори асосида ҚТИ ректори буйруги билан берилади.
- 2.2. Номли стипендия бир шахсга такирор берилиши мумкин. Кузги семестрдан сўнг стипендия соҳиби сессияни муваффақиятли якунлаб, иккинчи танловда иштирок этиши мумкин. Дам олиш кунларида стипендия тўланмайди.
- 2.3. Тегишли ўқув йили учун номли стипендия олувчи стипендиантлар рўйхати Институт кенгashi томонидан йилига икки марта (ҳар семестр якуни бўйича) тасдиқланади. Номли стипендияга тавсияномалар йилига 2 марта, жумладан 15-30 сентябрь ва 1 - 15 март оралиғида

күриб чиқилади.

2.4. Талаба томонидан номли стипендия олиш учун стипендия танловида иштирок етиш учун ариза топшириш (1-илова) жорий ўқув йилида 2-15-сентябр ва 15-28-февралгача яъни йилига 2 марта амалга оширилади. Аризага хужжатлар тўплами илова қилинади, жумладан:

- охирги икки семестрдаги сессиялар натижалари билан факультет деканининг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган талаба рейтинг дафтарининг нусхаси;
- кафедра мудири имзоси билан тасдиқланган талаба илмий тўгараги (кейинги ўринларда - ТИТ) раҳбарининг тавсифномаси (2-илова);
- портфолио (илмий нашрлар руйхати ва уларнинг босма нусхалари, илмий конференциялар иштироки, илмий ишлар танловларида ва халқаро ва Республика босқичидаги фан олимпиадаларда ғолиб дипломлари);
- хорижий тилни (рус, инглис тили) билиши тўғрисида маълумотнома ёки халқаро сертификат; Бунда, талабгорлар ушбу тиллар бўйича ўз билимлари даражасини аниқлаш учун ўқиши жойидаги тил кафедраларида маҳсус сұхбатдан ўтадилар;
- институтнинг ижтимоий ҳаётида, мамлакатлик дастурлар ва 5 ташаббус бўйича ишларни олиб бориша ва танловларда иштирок этганлигини тасдиқловчи хужжат.

Барча хужжатлар жилдга (папкага) жойланган ҳолда тақдим этилади. Муқовада номли стипендияси номи, талабгорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, факультети, бакалавриат таълим йўналиши, курси, гурухи кўрсатилади.

2.5. Факультет Кенгаши 15-20 сентябрь ва 1-5 март оралиғида номли стипендия тайинлаш учун номзодлар бериш тўғрисида қарор қабул қиласи, жумладан факультет кенгаши талабгорларни тавсия этиш бўйича овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан қарор қабул қиласидилар.

2.6. Овоз бериш жараёнида олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳам иштирок этиши мумкин.

2.7. Танлов материаларини тасдиқлаш учун Институт кенгашига тақдим этади.

2.8. Номли стипендия учун стипендия танловида ғолиб бўлган талабалар институт ректорининг буйруғи билан тасдиқланади.

### **3. Номли стипендияларга номзодларни танлаш мезонлари**

3.1. Номли стипендия куйидаги шартлар бўйича танлов асосида берилади:

Номли стипендия тайинланишидан олдинги икки семестрдаги оралиқ ва якуний назоратлар натижаларига қўра талаба барча фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичлари «яхши» ва 30-40% «аъло» баҳоларга ёки «яхши» баҳосидан паст бўлмаган баҳоларга эга бўлиши;

Номли стипендия тайинлашдан олдинги ўқув йили давомида узрсиз сабабларга қўра академик қарзнинг йўқлиги ёки имтиҳонни қайта топшириш бўлмаслиги, шунингдек интизомий жазо чоралари қўлланилмаганлиги;

Ўз йўналиши бўйича талабаларнинг мустақил илмий ишларини олиб бориши ва бу борадаги илмий нашрларнинг мавжудлиги;

Талабаларнинг фан олимпиадаларида иштироки ва чоп етилган маъруза тезислари билан илмий конференцияларда баённат билан чиқишлари.

Институт ва бошқа етакчи илмий-тадқиқот ташкилотларининг тегишли хужжатлари билан тасдиқланган ўз йўналишлари бўйича танловларида талабанинг ғолиб ёки совриндор деб топилиши.

Институтнинг ижтимоий ҳаётида, мамлакатлик дастурлар ва 5 ташаббус бўйича ишларни олиб боришида ва танловларда иштирок этганлиги.

#### **4. Номли стипендия тўлашни муддатидан олдин тўхтатиш тартиби**

4.1. Талабага номли стипендия тўлаш институт ректорининг буйруғи билан деканатнинг қарори асосида муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин:

Талаба институтда кундалик дарсларни ўзлаштирганда, оралиқ ва якуний назоратдан академик қарздор бўлганда ва ўқишдан четлаштирилганда;

Талабага академик дам олиш берилганда;

Талаба томонидан Институт Устави ва/ёки Институт талабалари учун ички тартиб ва одобахлоқ қоидалари, Институтнинг бошқа маҳаллий норматив ҳужжатлари талаблари бузилган тақдирда.

Институт хисобварағида маблағ йўқ бўлганда стипендияни тўлаш тўхтатилади.

#### **5. Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби**

Мазкур Низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ушбу Низом қандай қабул қилинган ва тасдиқланган бўлса, худди шундай тартибда қабул қилинади ва тасдиқланади.

ҚТИ талабалари учун  
Ч.Абдиров номидаги стипендия бериш  
тұғрисидаги Низомга  
1-илова

**Ч.АБДИРОВ НОМИДАГИ СТИПЕНДИЯ БҮЙИЧА ТАНЛОВДА ИШТИРОК  
УЧУН АРИЗА БЕРИШ ШАКЛИ**

Рүйхатта олиш № \_\_\_\_\_

Рүйхатта олиш санаси \_\_\_\_\_

Мен, \_\_\_\_\_  
(фамилия, исми, шарифи)

Қорақалпоғистон тиббиёт институти Ч.А.Абдиров номидаги стипендия олиш учун танловда иштирокчилар тизимиға киритишингизни сүрайман.

Факультет: \_\_\_\_\_

Таълим йўналиши: \_\_\_\_\_

Таълим шакли: \_\_\_\_\_  
(бюджет/контракт)

Курс \_\_\_\_\_ Гурӯҳи \_\_\_\_\_

Алоқа телефони: \_\_\_\_\_

Мен номли стипендия тұғрисидаги низом билан танишман, тақдим этилган маълумотларнинг тұғрилигини тасдиқлайман, шахсий маълумотларни қайта ишлашга розилик бераман:

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.),

\_\_\_\_\_ (имзо)

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- охирги икки семестрдаги сессиялар натижалари қайд этилган факультет декани мухри ва имзоси билан тасдиқланған рейтинг дафтарининг нусхаси.
- кафедра бошлиғи имзоси билан тасдиқланған талаба илмий тұғараги (кейинги жойларда ТИТ) раҳбарининг тавсиф-тавсияномаси. (2 илова)
- Танлов иштирокчисининг портфолиоси
- хорижий тилларни (рус, ингліс тили) билиши тұғрисида маълумотнома ёки халқаро сертификати.
- мамлакаттық дастурлар ва 5 ташаббус бүйича ишларни олиб борища да танловларда иштироки.

Сана \_\_\_\_\_

Имзо \_\_\_\_\_

ҚТИ талабалари учун  
Ч.Абдиров номидаги стипендия бериш  
түғрисидаги Низомга  
2-илова

**Ч.АБДИРОВ НОМИДАГИ СТИПЕНДИЯ ТАНЛОВИДА ИШТИРОК  
ЭТИШ УЧУН ТАВСИФ-ТАВСИЯНОМА**

---

(фамилия, исми,  
шарифи)

\_\_\_\_\_ факультети \_\_\_\_\_ курс талабаси.

Матн институтнинг ижтимоий ва илмий ҳаётидаги ютуқлари (олимпиадаларда иштироки, талабалар илмий тўгараги (ТИТ) ишида қатнашиш ва бошқалар) ва талабалар илмий тўгарагидаги ишларини акс эттириши керак.

Ўз таълим йўналиши соҳасидаги ютуқлари батафсил кўрсатилиши шарт.

ҚТИ академик Ч.Абдиров номидаги номли стипендияни олиш учун танловда иштирок этишга тавсия этилади.

Сана «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ йил

ТИТ раҳбари имзоси \_\_\_\_\_

Кафедра мудири имзоси \_\_\_\_\_